2016 ЙИЛ 15 ЯНВАРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 11 (13.074)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Мустақиллик майдонида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ БАЙРАМИ

ЎзА олган суратлар

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси вакиллари иштирок этди. Улар ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Бу эзгу анъана замирида халқимизнинг энг бебаҳо неъмат бўлмиш тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва осмонимиз мусаффолигини нақадар қадрлаши мужассам.

Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида миллий армиямиз тарихий ва миллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат соҳасида дунёдаги энг яхши тажрибаларни ўзлаштириб, чегараларимиз хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолатига айлангани таъкидланди. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг таянчи ва суянчи бўлган замонавий ҳарбий хизматчилар тимсолида чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятга, ўз муқаддас ҳарбий бурчини бажариш йўлида қатъий ирода ва мустаҳкам тайёргарликка эга бўлган, она юртимизга садоқатли, мард ва фидойи инсонлар акс этади.

...Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ушбу тантанали лаҳзаларда миллий куч-қудратимиз, буюк аждодларимизнинг юксак заковати ва мустаҳкам иродаси кўз олдимизда намоён бўлади. Ватан ҳимоячилари қалбида барчамиз учун ягона бўлган Ўзбекистон билан фахрланиш туйғулари жўш уради. Улар ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик майдонидан ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида ҳам ушбу байрам муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтиришга ҳисса қўшаётган, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчлик-осойишталикни таъминлашда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди. Бундан ташқари, энг илғор ҳарбий қисмнинг илғор ҳарбий хизматчиси унвони учун ўтказилган кўрик-танловлар ғолиблари ҳам тақдирланди.

– Биз, ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдормиз, – дейди ЎзА мухбирига "Мардлик" ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ командири Ўктамжон Бозорбоев. – Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилар эканман, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда таниқли эстрада хонандалари иштирокида байрам концерти намойиш этилди.

Роман БОНДАРЧУК

"ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР ДИҚҚАТГА САЗОВОРДИР"

Мустақил ривожланиш йиллари давомида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни таъминлайдиган изчил ҳамда ўсувчан механизмлар тизими яратилдики, бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги тажрибаси хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Билдирилаётган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар ва баҳолар ҳам республикада қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Масалан, яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий форумининг якунлари Европа экспертлари доирасида ўзининг акс садосини берди.

Жумладан, **"Brussels Diplomatic" газетаси муҳаррири Оливер Бульто** юртимизда жамоат ташкилотларининг самарали фаолияти учун зарур шароитларни яратишга йўналтирилган тегишли ҳуқуқий базанинг шакллантирилганини юқори баҳолади.

– Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни, мамлакатни либераллаштириш ва давлат бошқарувини модернизациялашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ҳамда тизимли ишлар амалга оширилаётгани қувонарли ҳолдир, – деди у. – Бунинг натижасида ўтган йиллар мобайнида республикада нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланди. Шуниси ҳам эътиборга моликки, ҳозирги пайтда уларнинг ўз салоҳиятларини ҳаётга татбиқ этиши, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш учун зарур бўлган шароитлар яратилмоқда.

Шу ўринда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишида фаол қатнашишни истаган мамлакат аҳолисини ўз атрофида бирлаштиришга даъват этилган Ўзбекистон экологик ҳаракати фаолиятининг муҳимлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бу соҳадаги қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича ҳамда маҳаллий, минтақавий ва умумбашарий миқёсдаги экологик муаммоларнинг ҳал этилишида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан самарали ишларни олиб бораётган Ўзбекистон экологик ҳаракати табиатни асраш жараёнларида катта аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунгача мамлакатда экологик муаммоларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича салмоқли тажриба тўпланди, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги 20 дан ортиқ қонун ва 130 та бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат бўлган мустаҳкам қонунчилик базаси шаклланди.

Республикада "Экологик назорат тўғрисида" ҳамда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш жараёнларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтиришга кўмаклашади.

"Жаҳон" АА.
Брюссель

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 24 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тадбир "Аскар оналарини шарафлаймиз" деб номланди. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва мудофаа ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бухоролик аскарларнинг оналари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ҳаваскор қўшиқчилар ўртасида "Мардлар қўриқлайди Ватанни!" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан ташкил этилган тадбирда 40 нафарга яқин ҳаваскор қўшиқчи ўз иқтидорини намойиш этди.

● Самарқанд гарнизонидаги 16-ҳарбий шаҳарчада Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийлар хотирасига бағишланган ёдгорлик монументи очилди.

● Наманган вилояти Наманган тумани марказий стадиони кенг кўламли таъмирлаш ишларидан кейин замонавий қиёфа касб этди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1 миллиард 360 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига таъмирланган стадион тумандаги 9-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига берилди. Стадионда футбол, волейбол, баскетбол, узунликка сакраш каби спортнинг ўн саккиз тури билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

ЖАҲОНДА

● Жаҳон бозорида нефть нархининг кескин тушиб кетиши бу соҳадаги кўпгина йирик компанияларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Зеро, сўнгги савдоларда бренд типидаги нефтнинг бир баррелининг нархи 31 АҚШ долларигача пасайиб кетди. Бундай ҳолат жумладан, Буюк Британиянинг етакчи "Бритиш петролеум" компаниясини ҳам оғир аҳволга солиб қўйди. Яъни ушбу компания кейинги икки йил ичида 4 мингта иш ўрни қисқартирилишини маълум қилди.

● Норвегиянинг Берген шаҳридаги Games Vidaregaande мактаби раҳбарияти ўқув масканида киберспорт бўйича дарсларни йўлга қўйишга қарор қилди.

● Альп тоғининг Франция ҳудудидаги Ле Дёз-Альп чанғи учишга мослаштирилган курортида ҳалокат рўй берди. Яъни, Франциянинг Лион шаҳридаги Антуан де Сент-Экзюпери лицейининг бир гуруҳ ўқувчилари ўқитувчиси ҳамроҳлигида бу ерга экскурсияга чиққан пайтида қор кўчкиси рўй бериб, натижада икки нафар ўсмир ҳалок бўлди. Маълумотларга кўра, гуруҳ раҳбарининг кўпол хатоси туфайли ушбу фожеа келиб чиққан.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг яхлит тизимини ташкил қилишдаги вазифаларни самарали ҳал этиш имконини берувчи ҳуқуқий асослар яратилгани, 20 дан зиёд бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, 50 дан ортиқ норматив ҳужжатлар шулар сирасидан эканлиги алоҳида қайд этилди. Бироқ, тезкор замонда юз бераётган ўзгаришлар амалдаги қонуннинг айрим нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш заруриятини тақозо этмоқда.

Қонун лойиҳасининг айрим нормалари юзасидан фикр билдирган депутатлар, "Демократик кучлар блоки"нинг қонунни янги таҳрирда қабул қилиш борасидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларига кўра, кўрилаётган масала мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг муҳим соҳаларига тааллуқли эканини инобатга олиб, қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик, бухгалтерларнинг профессионал бирлашмалари, молиячилар, иқтисодчилар, бизнес вакиллари ва хўжалик субъектларини жалб этган ҳолда муҳокама қилиш фикрини илгари сурди.

"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этмоқда.

Бунда фракция аъзолари бухгалтерия ҳисоби объектлари, шунингдек, ички назоратни ташкил этиш ва амалга оширишга оид янги нормаларга алоҳида эътибор қаратди. Асосий эътибор эскирган нормаларни қонунчиликдаги янги талаблар ва хўжалик субъектларининг замонавий шароитдаги фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, янги норма ва қоидалар билан тўлдиришга қаратилмоқда. Ходимлар ўртасида ҳар қайси босқичда бухгалтерия объектларининг киримни, сақланиши, улардан фойдаланиш ва расмийлаштириш борасидаги вазифалар аниқ тақсимланиши муҳим. Ваҳоланки, ўзаро назорат тизимининг ўрнатилиши хўжалик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти устидан самарали тезкор назоратни ташкил этишда қўл келади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Тадбирлар

АСКАР ОНАЛАРИНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Айни кунларда шаҳримизнинг барча гўшаларида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам тадбирлари, учрашувлар, очиқ мулоқотлар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежида ўтказилган "Аскар оналарини шарафлаймиз" мавзуидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан уюштирилди.

Тадбирга шаҳримиздаги ҳарбийлар ва уларнинг яқинлари таклиф этилди.

– Туманимиз миқёсида Ватан ҳимоячилари кунини юқори савияда нишонлаш учун тадбирлар режасини тузиб чиққанмиз, — дейди Мирзо Улуғбек тумани Маънавият тарғибот бўлими раҳбари Дилафрўз Жуманиёзова. — Чунки она юртимиз осойишталиги, тинчлигини мардларча қўриқлаб, бурчига садоқат билан хизмат қилаётган аскарларимиз зиммасида шарафли, шу билан бирга заҳматли вазифалар юкланган. Ҳар бир аскар ўз ҳарбий қасамёдига амал қилар экан энг аввало халқ олдидаги масъулият ва бурчини муқаддас деб англайди.

Дилрабо куй ва қўшиқлар, гўзал рақслар гулдастаси ҳамда ўқувчилар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари тадбирнинг мазмунмоҳиятини оширишга хизмат қилди.

Туман ҳудудидан ҳарбий хизматга юборилган бир гуруҳ аскарларнинг оналарига туман ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлиқлар топширилди.

— Бугун шундай ҳаяжондаманки, буни таърифлаш қийин, – дейди оддий аскар Асилхон Турганбековнинг онаси Тамара Давлетбаева. — Ўғлим, ўз йигитлик вазифасини ўташда, интизоми, сергаклиги, ҳалол ва садоқатли Ватан ҳимоячиси ҳамда маънавий-ахлоқий жиҳатдан алоҳида ўрнак кўрсатаётгани учун мени тақдирлашди. Бу оналар учун жуда ҳам юксак мукофот. Илоҳим муқаддас заминимизда ҳамиша тинчлик бўлсин, ўзбек ўғлонлари эса она Ватанига доимо ҳурмат ва эҳтиром билан садқидилдан хизмат қилишсин. Мамлакатимиз осойишталигига асло кўз тегмасин, фарзандларимиз ҳам бахтли, саодатли бўлишсин, эътибор ва ҳурмат учун ҳаммангизга ташаккур.

* * *

Шайхонтоҳур туманидаги Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида ўтказилган байрам тадбири "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" деб номланди.

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи директори Рустам Адҳамов кечани кириш сўзи билан очиб берар экан, Ватанга хизмат қилиш муқаддас бурч эканлигини таъкидлаш баробарида йиғилганларни байрам билан ўқув муассасаси жамоаси номидан муборакбод этди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмидан ташриф буюрган майор Ж.Наримонов, собиқ байналмилалчи капитан Т.Яқубов ва бошқалар мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, юртимиз тинчлиги ва дахлсизлигини таъминлашда садоқат билан хизмат қилаётган ҳарбийларнинг вазифалари ва бурчлари она Ватанимизнинг муқаддас номи билан боғлиқ эканлигини, юртга фидойилик, жонкуярлик билан хизмат қилиш эса ҳар бир аскар йигитининг шарафли вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, бугунги ёш авлоднинг мард, жасур, ўктам ўғлонлар бўлиб камолга етишида ҳарбийларимизнинг муносиб ҳиссалари бор.

Эл севган санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар йиғилганларга бирдай манзур бўлди.

Тошкент ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги академиклицей ўқувчилари томонидан тайёрланган ватанпарварлик руҳидаги қўл жанги бўйича кўргазмали чиқишлар эса байрам иштирокчиларига хуш кайфият бағишлади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Тошкент Бирлашган техника мактабида Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида тадбир ташкил этилди.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Мазкур тадбирда "Ватанпарвар" ташкилоти фахрийлари, ташкилотнинг шаҳар Кенгаши вакиллари, туман ташкилотлари раҳбарлари, маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий оммавий ишлар бўйича ўринбосарлари, туман "Нуроний" жамғармаси, Тошкент олий умумқўшин билим юрти вакиллари, маҳалла фаоллари ва ТБТМ курсантлари иштирок этди.

— Ўзбекистон Қуролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашишни мақсад қилиб олган "Ватанпарвар" ташкилоти республикамиз ижтимоий-иқтисодий тизимида ўз ўрнига эга, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Аҳрор Мақсудов. — "Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги" тадбирлари доирасида ташкилот томонидан турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Юртимиз иқболи ва тинчлигини дилларига жо этган ҳарбийларимиз борки кўнглимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Шу шарафли вазифани адо этишда халқимизнинг минглаб мард ўғлонлари Ватан хизматига бел боғлаб, кунни кун, тунни тун демасдан садоқат билан хизмат қилмоқдалар. Мамлакатимизда соғлом ва етук камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар яратиш, Ватанимиз ёшларини баркамол шахслар этиб шакллантириш борасида "Ватанпарвар" ташкилоти ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан давлатимиз мудофаа қудратини янада юксалтириш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорликни таъминлаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун "Энг илғор билим юрти" танлови ғолиби Тошкент олий умумқўшин билим юртининг ҳарбий хизматчилари, курсантлар, оддий аскар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари тақдирланди. "Энг илғор ўқитувчи", "Энг илғор взвод командири", "Энг илғор гуруҳ командири" каби номинациялар бўйича ғолибларга "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, ёзги биатлон бўйича шаҳар очиқ биринчилигида 1-ўринни қўлга киритган "Ватанпарвар" ташкилоти "Яшнобод ЎқувСТК" спортчилари кубок билан тақдирланди.

Тадбир доирасида"Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой ЎқувСТК" ҳамда "Чилонзор ЎқувСТК" унитар корхоналарининг авиамодель ва ракетамодель бўйича кўргазмалари ташкил этилди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбир якунида "Ватанпарвар" ташкилотининг "Ватанпарвар таронаси" ашула ва рақс ансамбли томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган уч авлод учрашуви ўтказилди.

Юнусобод туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ҳарбий қисмлар курсант ва аскарлари, таълим муассасаларининг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Тадбир давомида жаннатмонанд она заминнинг осмонини, унинг хавфсизлиги ва осойишталигини асраш-дек шарафли ва муқаддас бурчни адо этишдаги фидокорона хизмати, халқимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилишни ўзининг муҳим вазифаси деб билган бир гуруҳ ҳарбийларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

— Она Ватанимизни ҳимоя қилиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир мард йигитнинг вазифасидир, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультет курсанти Ўрол Хуррамов. — Шу ўринда фахр ва ифтихор билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда ҳарбийларга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик бизни янада фидойилик билан хизмат қилишга ундайди. Болалигимдан офицер бўлишни орзу қилганман. Ватан ҳимояси, унинг ободлиги, тинчлиги йўлида ўз ҳиссамни қўшиш шарафли бурчдир.

Учрашувда эл севган санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

* * *

Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Учтепа Ўқув спорт техника клуби" унитар корхонаси томонидан "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида тадбир ташкил этилди.

Унда ташкилотнинг ишчи-ходимлари, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши аъзолари, коллеж ўқитувчи ҳамда ўқувчилари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Учтепа тумани Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ўринбосари Баҳодир Раҳимов, Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи директори Илҳом Исламов ва бошқалар мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани, она Ватанни ҳимоя қилиш шон-шараф деб билаётган ёшлар сафи кенгаяётганини таъкидлаб ўтишди.

— Ватан тинчлиги, уни ҳимоя қилиш муқаддас бурч ҳисобланади, — дейди "Учтепа ЎСТК" УК Маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий-оммавий ишлар бўйича директор ўринбосари Севара Алимджанова. — "Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги" доирасидаги тадбирда Ватанимизнинг тинчлик ва осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани юксак даражада адо этаётган ҳарбийларимиз ҳаёти ёшларимиз учун ибрат мактаби эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида эл тинчлиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбийлар ҳамда коллежда ўтказилган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасида юқори натижаларни қўлга киритган ўқувчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбир якунида "Ватанпарвар таронаси" ашула ва рақс ансамбли томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ФАХРИЙЛАР ЎГИТИ — ЁШЛАРГА ИБРАТ

Юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик, осуда ҳаёт чегараларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай қўриқлаётган осойишталик посбонлари, ҳарбийлар – Ватан ҳимоячиларининг борлиги ва уларнинг фидойилик билан ўз постида сергак тургани самарасидир.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги"да таъкидланганидек, "...Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтишга барча асосларимиз бор..."

Дарҳақиқат, бугун халқимиз ўз ҳарбий ўғлонлари билан фахрланади, уларга ишонади. Юнусобод туманидаги 7-шаҳар клиник шифохонасида ташкил этилган тадбирда ҳам ана шулар ҳақида сўз борди.

Шифохона бош шифокори Акмал Йўлдошев ўз сўзида бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш ва юқори малакали шифокорлар тайёрлашга катта эътибор қаратилаётганлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтди.

Кўкрагини орден ва медаллар безаган истеъфодаги зобитлар ҳарбий хизматда ишлаган даврларини эслаб, уруш йилларида ҳарбий шифокорларнинг кўрсатган жасорати, қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб беришди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳарбий шифокор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. 2012 йилда Тошкент Тиббиёт академияси ҳузурида ташкил этилган ҳарбий тиббиёт факультети интеллектуал салоҳиятли, юксак малакали тиббий хизмат офицерлари, резерв ва заҳирадаги офицерлар таркибини тайёрлашга хизмат қилмоқда. Ушбу факультет Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касб тайёргарлиги даражасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни ташкил этиш борасидаги асосий таълим муассасаларидан ҳисобланади.

— Бугунги армиямиз сафларига ҳар томонлама чиниққан, соғлом ва бакувват йигитлар саралаб олинмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Жангчи фахрийлар бирлашмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Р.Султонов, — йилдан йилга Қуролли Кучларимиз салоҳияти, куч-қудрати ошмоқда.

Тадбирда умрини ҳарбий соҳага бағишлаган истеъфодаги зобитларга шифохона касаба уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

З.ШАРИФЖОНОВ
Козим Ўлмасов олган сурат

Миллий хавфсизлик хизматига қарашли ҳарбий қисмда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

ЮРТИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ЭЪЗОЗДА

Тошкент давлат юридик университети томонидан Президентимизнинг 2015 йил 9 декабрдаги "Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойишига мувофиқ ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни шакллантириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар юртимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Соҳа ходимларининг касб малакаси, тизимнинг моддий-техник базасини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изчил ишлар мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамламоқда. Қуролли Кучлар тизимида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани армиямиз қиёфаси ва жанговар салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий жамоалардаги маънавий муҳитни тубдан яхшилаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасида ҳар томонлама баркамол, билимли, сўзида собит, қатъиятли, мард ва жасур ўғлонлар сафи янада кенгаймоқда.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳияти ва ҳуқуқий билимини юксалтириш мақсадида "Заковат" интеллектуал ўйини ўтказилди. Ватан, мустақиллик, тинчлик, мардлик ва жасоратни мадҳ этувчи шеърлар, куй-қўшиқлар иштирокчиларга байрамона кайфият бағишлади.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Юнусобод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИНИНГ 2016 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 й., 52 (I)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининнинг 2016 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-61-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2455-сонли Қарори ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2015 й., 52-сон, 646-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 25 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 75/9-5-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги 1156-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2015 йил 31 декабрдаги 01-3/1904-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1156-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Юнусобод туманининг 2016 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Юнусобод тумани маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

даромадлар – 128 694 859,0 минг сўм;

харажатлар – 128 694 859,0 минг сўм.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Ж.Набиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Юнусобод туман тармоқ администратори (А.Абдумаликов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yunusobod.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.М.Халисов зиммасига юклансин.

Юнусобод тумани ҳокими
Ш.Азимджанов

2016 йил 5 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИНИНГ 2016 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 й., 52 (I)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-61-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2455-сон Қарори ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2015 й., 52-сон, 646-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 25 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 75/9-5-сон қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1056-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2015 йил 31 декабрдаги 01-3/1904-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 1156-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Шайхонтоҳур туманининг 2016 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

даромадлар – 93 591 104,0 минг сўм;

харажатлар – 93 591 104,0 минг сўм.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Х.Шермухамедов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Шайхонтоҳур туман тармоқ администратори (Н.Насириллаев):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.shayhontohur.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Махамедов ва туман ҳокимининг ўринбосари К.Захидов зиммаларига юклансин.

Шайхонтоҳур туман ҳокими
М.Мирқосимов

2016 йил 5 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Ҳаёт". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
8.00 "Таҳлилнома".
8.35 "Қитъаларнинг мавжудлик сири". Х/ф.
9.30 "Монк". Т/с.
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Тўлин ой қиссаси". Б/ф.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 Миллий сериал: "Фидойилар".
15.15 "Бизнес-старт".
15.40 "Менинг боғим".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қорачиқ".
17.30 "Суҳбатдош".
17.45 "Монк". Т/с.
18.30 "Имконият".
18.50 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги саролари". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.25 – 00.10 "Фарахбахш кун". Б/ф.
00.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.50 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Заковат".
3.30 "Қорачиқ".
3.50 "Нақшлар жилоси".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Бир қадам". Т/с.
7.20 "Афсона ва ҳақиқат".
8.00 "Вельвет галереяси". Т/с.
8.50 "Соғлом ҳаёт".
9.10 "Меҳмонхона". Т/с.
9.50 "Телетуҳфа".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Ибн Сино". Х/ф.
12.00 "Умид". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Шаҳмат қироли ва унинг ўғли". Б/ф.
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
16.50 "Камолот-инфо".
17.00 "Эъзоз ва эҳтиром".
17.30 "Катта оила". Б/ф.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Ўзингни асра!"
21.10 "Умид". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Хос соқчи". Б/ф.
1.40 "Мутойиба".
2.10 "Шарқ гавҳари".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.20 "Бахт маликаси". Т/с.
11.15 "Телетаҳлил".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
13.15 "Бахт қўрғони".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Таҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Фарахли ноябрь". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Қонун доирасида".
18.50 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Таҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 ХАБАРЛАР.
20.55 "Эътироф".
21.05 "Жозиба".
21.25 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Қатар – Сурия. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.20 Чанғи пойгаси. Жаҳон Кубоги.
00.05 Профессионал бокс.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.25 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Эрон – Хитой.
3.10 Жаҳон кубокларида: Тоғ чанғиси. Биатлон.
5.05 "Техноспорт".
5.20 – 6.00 Чанғи пойгаси. Жаҳон Кубоги.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Вақт қадри".
6.30 "Фотокўзгу".
6.35 "Қайнона бисотидан".
6.55 "Юртим манзаралари".
7.00 Миллий кино. "Одноклассники.ру".
8.40 "TV анонс".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 "Қувноқлар ва зукколар".
9.45 "Маҳаллам ҳақида".
10.05 "Изҳор".
10.10 "Йўлга чиқдик".
10.35 "Фотокўзгу".
10.40 "Фермер".
11.00 "TV анонс".
11.05 "Жавондаги жавоҳир".
11.25 "Изҳор".
11.30 "Маҳалламиз спортчилари".
12.10 "Маҳалламиз болалари".
12.30 "Фотокўзгу".
12.35 "Теран илдизлар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Муҳаббатимсан".
14.05 "TV анонс".
14.10 "Кўнгилдаги гаплар".
14.55 "Изҳор".
15.00 Миллий сериал. "Мафтуна".
15.25 "Фотокўзгу".
15.30 "Ораста бекажон".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Она дарё".
16.30 "Маҳалламиз Зулфиялари".
16.55 "Соғлом турмуш".
17.15 "Табаррук анъана".
17.35 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
18.55 "TV анонс".
19.00 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Халқ виждони".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Юғурганники эмас, буюрганники".
22.15 "Табиат шифохонаси".
22.35 "Саодатли умр".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "TV анонс".
23.15 "Истеъдод".
23.40 "Ён қўшним-жон қўшним".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Вақт қадри".
00.30 "Изҳор".
00.35 "Соғлом оила".
1.00 Миллий кино. "Муҳаббатимсан".
2.05 "Муқаддас қадамжолар".
2.10 "Бола бошидан".
3.00 Миллий сериал. "Мафтуна".
3.25 "Изҳор".
4.00 Миллий сериал. "Она дарё".
4.30 "Муқаддас қадамжолар".
4.35 "Иш билганга минг танга".
4.55 "TV анонс".
5.00 "Маҳалламиз болалари".
5.20 "Аждодлар хазинаси".
5.40 – 6.00 "Обод юрт одамлари".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.10 "Сеҳрли қўллар".
8.20 "Ўйинқароқ болалар".
8.30 "Мультипанорама".
9.30 "ABC-kids".
10.00 "Болалар учун фильм".
11.10 "Мунчоққўз болажон".
11.20 "Болажон ошхонаси".
11.30 "Эртаклар оламида".
13.10 "Қувноқ алифбо".
13.40 "Катта танаффус".
14.00 "Болалар учун фильм".
15.30 "Ланди-ланди".
15.50 "Эртаклар оламида".
17.20 "Болажон устахонаси".
17.30 "Мультипанорама".
18.00 "Худойберди бобо меҳмонда".
18.30 "Мультипанорама".
20.00 "Саргузаштлар ороли".
20.20 "Мультипанорама".
21.10 "Табиатшунос болажон".
21.20 "Соғлом болажон".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Зўр ўтирибмиз". Б/ф.
7.30 Миллий кино. "Ўкинч".
8.35 Саргузашт фильмлар экрани. "Дахлсиз ҳудуд".
11.00 "Последний киногерой". Х/ф.
13.05 Севимли сериал. "Сарой жавоҳири". 36-қисм.
14.15 "Чангалзор соҳиби". Б/ф.
15.50 Болалар экрани. "Ўжар малика".
16.55 "Январнинг икки манзараси". Б/ф.
18.30 Миллий сериал. "Сержантлар-2". Т/с. /Премьера/.
19.10 "Эфир сирлари". Т/с. /Премьера/.
20.30 Миллий кино. "Пойқадам". Б/ф.
22.05 "Ҳафта юлдузи". Пенелопа Крус.
22.25 Жаҳон киноси. "Лола" лақабли шунқор". Б/ф.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Майерлинг". Х/ф.
1.45 Миллий кино. "Жаннат қайдадир". Б/ф.
3.10 "Илонлар водийсининг касофати". Б/ф.
4.50 – 6.00 "Қизил гуллар". Б/ф.

ДУШАНБА, 18

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Ҳаёт". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
8.00 "Ахборот".
8.35 "Қитъаларнинг мавжудлик сири". Х/ф.
9.30 "Монк". Т/с.
10.15 "Ватанпарвар".
10.30 "Ягона оила".
10.45 "Навоий олами".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Асов дарё". Б/ф. 1-қисм.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Қишлоқ ҳаёти".
14.35 Миллий сериал: "Фидойилар".
15.05 "Таҳлил-25".
15.25 "Иқлим".
15.30 "Мўъжизалар макони".
15.55 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.40 "Имконият".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сен ёлғиз эмассан".
17.25 "Кунларнинг бирида".
17.40 "Монк". Т/с.
18.25 "Менинг боғим".
18.45 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги саролари". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Нигоҳ".
22.00 – 23.35 "Ўй можароси". Б/ф.
23.35 "Менинг боғим".
23.55 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.35 "Таҳлил-25".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Тўлин ой қиссаси". Б/ф.
3.30 "Қишлоқ ҳаёти".
3.50 "Шарқ тароналари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 – 5.55 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Бир қадам". Т/с.
7.20 "Афсона ва ҳақиқат".
8.00 "Вельвет галереяси". Т/с.
8.40 "Биз киммиз?"
8.50 "Автопатруль".
9.10 "Меҳмонхона". Т/с.
9.50 "Юрт келажаги".
10.00 "Давр".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Бухорои шариф".
12.00 "Умид". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Юрт келажаги".
14.10 "Гувоҳлар қаерда?" Б/ф.
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
16.50 "Фан ва ёшлар".
17.10 "Давр мавзуси".
17.30 "Ажабтовур кошона". Б/ф.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Ўзингни асра!"
21.10 "Умид". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Таҳо маликам". Б/ф. 2-қисм.
00.00 "Ватанпарвар".
00.40 "Мўъжизавий дунё".
1.30 "Озодлик қадри".
2.20 "Шарқ гавҳари".
4.00 "Амир Темур". Х/ф.
5.00 "Эъзоз ва эҳтиром".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.20 "Бахт маликаси". Т/с.
11.15 "Холис назар".
11.45 "Мобильная камера".
12.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
13.15 "Бахт қўрғони".
13.45 "Poytaxt-madaniyat".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Таҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Кулгу қироли". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
21.00 "Ўзингни асра!"
21.10 "Умид". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Таҳо маликам". Б/ф. 2-қисм.
00.00 "Ватанпарвар".
00.40 "Мўъжизавий дунё".
1.30 "Озодлик қадри".
2.20 "Шарқ гавҳари".
4.00 "Амир Темур". Х/ф.
5.00 "Эъзоз ва эҳтиром".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.20 "Бахт маликаси". Т/с.
11.15 "Холис назар".
11.45 "Мобильная камера".
12.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
13.15 "Бахт қўрғони".
13.45 "Poytaxt-madaniyat".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Таҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Кулгу қироли". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
